

12-10-2019

## VAKF LENDS OF BOXARZIY

Malika Fayzulloevna Norova  
*Lecturer at Bukhara State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Norova, Malika Fayzulloevna (2019) "VAKF LENDS OF BOXARZIY," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 12 , Article 21.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss12/21>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## VAKF LENDS OF BOXARZIY

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2019 йил 12 сон**

## БОҲАРЗИЙ ВА УНИНГ ВАҚФ ЕРЛАРИ

Норова Малика Файзуллоевна  
Бухоро Давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Марказий Осиёда вақф ерлари унинг ташкил этилиши тартиблари. Сайфиддин Боҳарзийга тегишли бўлган вақф ерлари ва унинг бу соҳадаги фаолияти ҳақида сўз боради. Боҳарзий авлодларига тегишли бўлган Чингизий амирлари томонидан берилган вақф ерлари аниқ ҳудудлари билан белгилаб берилган. Бу вақф ерларининг қандай мақсадлар да фойдаланганлиги тўғрисида маълумот олишимиз мумкин.

**Калит сўзлар:** вақф ерлари, маънавият, тариқат, тасаввуф, фикҳ, ҳадис, тафсир, сўфий, ориф, зоҳид

## ВАКФНЫЕ ЗЕМЛИ БОХАРЗИЯ

Норова Малика Файзуллоевна  
Преподаватель Бухарского государственного университета

**Аннотация:** Новые планы держав в Википедии по Центральной Азии. Сайфиддину Бохарзи о легальных деньгах и другой деятельности. Эмираты Чингиз, которые установили знамя поколения Бахарзи, в значительной степени представлены тем фактом, что правители Чингизов получили большое количество людей в сопровождении своих граждан. Также можно научиться смотреть на это и чаще.

**Ключевые слова:** частные земли, духовность, суфизм, фикх, хадис, тафсир, суфий, ориф, захид.

## VAKF LENDS OF BOHARZIY

Norova Malika Fayzulloevna Lecturer at Bukhara State University

**Abstract:** New powers plans on Wikipedia on Central Asia. Sayfiddin Boharzi about legal money and other activities. The emirates of Genghis, who established the banner of the Baharzi generation, are largely represented by the fact that the rulers of Genghis received a large number of people accompanied by their citizens. You can also learn to look at it more often.

**Key words:** foundations, spirituality, sufism, fiqh, hadith, tafsir, sufi, orif, zahid.

Марказий Осиёда жуда кўп ерлар вақф мулкига айлантирилган. Бундай ерлар кўпинча мадраса ва хонақоҳларга вақф қилиб берилган. Вақф тўғрисида адабиётларда турли маълумотлар келтирилади. Масалан “вақф” сўзи луғатларда “тутиб туриш”, “тўхтатиш” маъноларида келса, вақфнинг шаръий таърифи борасида турли фикрлар мавжуд. “Вақф” ҳар бир нарсани Оллоҳ мулки ҳисобида сақлашдир. Яъни, вақф қилинган нарса вақф қилувчининг мулкидан чиқади ва Оллоҳнинг мулкига айланади. Вақф қилинган нарсадан келадиган фойда вақф қилувчи уни вақф этишда тайинлаган жиҳатга (масалан, талабалар, мусофирлар, камбағаллар каби) сарф қилинади ва савоби вақф қилувчига абадий бўлади. Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳадя қилинмайди, мерос сифатида қолдирилмайди.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида вақф тўғрисида қуйидагича маълумотлар келтирилган:

“Вақф” сўзи арабчадан олинган бўлиб — мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк ҳисобланади. Вақфнома орқали расмийлаштирилади. Ер-сув, уй-жой, мактаб, масжид, шифохона ва бошқалар вақф мулки бўлиши мумкин. Ўз мулкани вақфга топширган шахс мазкур мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотади. Лекин унинг ўзи ёки оила аъзолари ёхуд учинчи бир шахс вақф мулкидан вақфномада қайд этилган мақсадларда фойдаланилаётганлигини аниқлаш учун вақф мулкани бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин. Ўз мулкани вақф мулки сифатида топширган шахснинг фарзандлари ёки бошқа авлодлари мазкур вақф мулкидан келадиган даромадлардан нафақа олиб туриши мумкин. Вақф мулкани шарият қонуни бўйича давлат бошлиғи ёки қози назорат қилади. Бу тартиб Шарқнинг баъзи мамлакатларида ҳозир ҳам амалда.

Марказий Осиёда вақф ҳужжатлари билан махсус кишилар шуғулланишган. Уларни мамлакат миқёсида бош садр, жойларда эса садрлар бошқарганлар. 1326–1333 йиллардаги расмий ҳужжатлар Бухородаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳолати ва бир қанча вақф ҳужжатлари тўғрисида маълумот олишимизга ёрдам беради. Ушбу ҳужжатлар тўғрисида маълумотларни: “Новый источник по истории Бухары начала XIV в.” [12.Б.448-161] ва “К истории крестьян Бухары XIV в” [10.Б.71-76] мақолаларидан ўқишимиз мумкин.

Бухоролик Шайх Сайфиддин Боҳарзийнинг [9] вақф ҳужжатлари тўғрисида [15.Б.242] бизгача бир қанча маълумотлар етиб келган. Боҳарзий Хирот ва Нишопур шаҳарларида одатий диний ва ҳуқуқий таълим олди ва тез орада сўфийга айланди. Тасаввуфга бир неча ютуқларга эришиб, Хоразмга кўчиб келди ва у ерда машҳур бўлган шайх Нажмиддин Кубронинг муридларидан бирига айланди. Сайфиддин Боҳарзийнинг сўфийлик таълимотига хос бўлган бир неча манбалар бизгача етиб келган. Хусусан, у ҳақидаги қизиқарли маълумотлар XV асрда яшаб ижод қилган Абдурахмон Жомийнинг Нафоҳат ал-Унс китобида мавжуд [1.Б.412]. Албатта, бундай ҳикоялар шайхларнинг машҳурлигини уларнинг аҳоли ва маҳаллий ҳукмдорлар олдидаги обрўсини акс эттиради. Жомийнинг таъкидлашича, Сайфиддин Боҳарзий Бухорога устози Нажмиддин Кубро томонидан юборилган ва ўзи кўп ўтмай 1221 йилда Хоразмда мўғулларга қарши курашиш жараёнида вафот этган. Сайфиддин Боҳарзий Бухорода қарийб 40 йил яшаган ва жуда юқори мартабани эгаллаган.

Маълумки, Чингизхон ва унинг ворислари томонидан забт этилган ҳудудларни бошқариш, бу ҳудудларда аҳолининг иттифоқлигига эришиш мақсадида руҳонийлардан фойдаланишган. Кўплаб садри ва қозилар хиёнат эвазига ҳаётларини сотиб олганлар. Баъзи мўғул хонлари рақибларига қарши курашишда шайхлардан ёрдам сўрашган. Масалан, Ботунинг акаси Беркахон Сайфиддин Боҳарзийнинг олдида Бухорога ташриф буюрди ва унга мурид тушди.

“Кейин Каркаснинг ўғли Беркахон тахтга ўтирди у диннинг равнақиға ўз ҳиссасини қўшди ва мусулмон бўлди. У “иймон ва тинчлик ёрдамчиси” унвонини олди.

Бухорога Шайх ул Олам мақомини олган, “Ҳақиқат ва иймон қиличи” унвонига сазовор бўлган, ердаги худонинг сояси, Саййид ўғли Мутаҳҳар ал Боҳарзийни зиёрат қилиб дуоларини олиш учун келди” [7.Б.136].

Сайфиддин Боҳарзий ўз таъсир кучидан фойдаланиб мўғулларнинг эмас балки уларнинг вазирларига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилди. “Оксфордда сақланаётган қўлёзма манбаларида кўрсатилишича Сайфиддин Боҳарзийнинг Чигатой амири Ҳабаш Амидга (ёки бошқа бир манбага кўра Жайсид Аҳмад)га ёзган мактуби ҳақида маълумотлар берилади[5.Б.102]. Манбалардан шу нарса аён бўладики, Сайфиддин Боҳарзий ўта қудратли зодагонга руҳонийларнинг ишига аралашмасликка ва жоҳил ёшларни давлат раҳбарлиги лавозимларига қўйганлиги учун танбех беради ва бу сиёсатни қаттиқ қоралайди. У ҳокимиятни мусулмон яъни маҳаллий халқ қўлига топширишни талаб қилади. Агар ўртада келишмовчилик юзага келадиган бўлса, уни бутунлай йўқ қилишини айтиб таҳдид қилади. Бу билан у эҳтимол шайхларнинг родини кучайтиришни хоҳлагандир. Лекин қисман бўлсада бу мақсадга эришди, ислом динини давлат дини даражасига кўтарди ва “Дунёнинг шайхи” яъни “Шайх ул-олам” мақомини олди. Бунга мисол қилиб, қудратли хон Мангу, Хулагу, Қубилайларнинг онаси бўлган Сиюркўктанибиканинг христиан кериат динига эътиқод қилишига қарамай Бухорода мадраса қурилиши учун 1000 кумуш танга хайрия қилиши ва уни вақф мулки сифатида Сайфиддин Боҳарзийга топшириши[8.Б.9], Шайх ул-Оламнинг мавқеининг баланд бўлганлигидан далолат беради. Бу вақф институтларининг ўша пайтда бирор ҳужжатда белгилаб қўйилганми бу бизга қоронғу. Фақат ушбу китобда нашр қилинган 1326–1335 йиллар яъни, бу мадраса Сайфиддин Боҳарзийнинг вафотидан сўнг 65 йилдан кўпроқ вақт сақлангани бизгача маълум[13.Б.41].

Баъзи бир ҳужжатларда мақбаралар ва хонақоҳ Сайфиддин Боҳарзий номига вақф эгаси сифатида набираси Абулмуфохир Яҳё ибн Аҳмад ибн Саид ал-Боҳарзийга берилган. XVI аср ёзувчиси Муҳаммаднинг ўғли Аҳмаднинг маълумот беришича, Боҳарзий Бухорога 717/1312 – 13 йилларда Карманадан келган ва 736/1335 -36 йилгача Бухорода яшаб шу ерда вафот этган. Аҳмад бин Муҳаммаднинг маълумотига қараганда“ у Фатҳобод мавзесида камбағалларни кийим-кечак ва турар жой билан таъминлаб, дафн маросимларини уюштирган” [2.Б.41-42]. Бошқа бир маълумотдан шу нарса аён бўладики, Сайфиддин Боҳарзийнинг ўғли Бурҳониддин Аҳмаднинг ҳаж қилгани ва Карманда қолгани ҳақидаги бошқа бир ривоятдан биламизки, Аҳмаднинг ўғли Яҳёнинг Карманадан келиши ҳақидаги хабар ҳақиқатлиги билинади[14.Б.160]. Шайх Яҳёнинг замондоши, араб саёҳатчиси ибн Баттута Бухорода бўлиб, Сайфиддин Боҳарзийнинг хонақосида қолади ва қуйидаги маълумотларни беради:

"Биз Бухоронинг чеккасида Фатҳобод деб номланувчи жойда яшадик, у ерда олам шайхи, диндор зодагон Сайфиддин Боҳарзий яшар эди. У асосий авлиёлардан бири ҳисобланади. Биз яшаган жой эгасига жуда катта ерлар вақф қилинган ва бу вақф ерлари ҳисобига келадиган даромаддан зиёратчилар озиқ-овқат билан таъминланар эди. Сайфиддин авлодидан бўлган, ҳаж зиёратини амалга оширган Яҳё ал-Боҳарзий мени ўз уйида меҳмон қилди. У шаҳарнинг энг муҳим кишиларини

тўплади. Қуръон тиловат қилувчилар чиройли оҳангда қироат қилдилар ва ваъзгўйлар нутқ сўзладилар. Улар туркий ва форсий тилларда жуда чиройли куйладилар. Биз у ерда энг ажойиб кечаларни ўтказдик ва мен у ерда “садр шарията” унвонига эга бўлган ажойиб ҳуқуқшунос билан учрашдим[3.Б.27-28].

Сайфиддин Боҳарзийга тегишли бўлган вақф ҳужжатлари таркибига ўнта қишлоқ ва Бухоронинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бирта катта аҳоли пункти рўйхати келтирилган. Уларнинг ҳайдаладиган ерлари, боғлари, суғориш каналлари ва ушбу ҳудудда жойлашган бошқа кўчмас мулклари, хусусий ва вақф ерларидан ташқари 1326 – 1334 йилларда мақбаранинг вақф ерлари в Сайфиддин Боҳарзийнинг хонақоси ҳам киритилган. Буларга Суюркўктени-бика буйруғи бўйича сотиб олинган ва уни вақф мадрасасига айлантирган ерлар кириши мумкин. Хония номи билан танилган ушбу мадраса Чингизхоннинг кейинги авлодлари ўртасида ўзаро ички урушлар туфайли 1273 – 1276 йилларда вайрон қилинган.

Фатҳобод вақф ери ҳақидага ҳужжатда "Бу қабрнинг эски вақфи" деган изоҳ мавжуд. Фақат битта эслатма бор. Унда маълумот берилишича, Фатҳобод Шайх Сайфиддин Боҳарзий томонидан қурилган ва унинг вақф ерларига Фатҳобод яқинида жойлашган “Шаҳри зуди” деб номланган ерлар киради.

(1-ҳужжат, 320, 382-қаторлар). Бироқ Хон Суюркўктени-бика буйруғи билан сотиб олинган қишлоқлар “эски вақф мақбаралари”га кирганлиги тўғрисида маълумотга эга эмасмиз.

726/1326 йилдаги (№1) ҳужжатнинг асосий матнидан 0.9 фоизидан кўпроғини вақф тўғрисидаги мазмун эгаллайди. Бунга 1326 (№2 ва 3) иккита тасдиқловчи фармон ва 734/1333 (№ 4) 28 қўшимча вақф ҳужжати юборилади[17]. Вақф ҳужжати тўғрисидаги тўпلامда 1744 йил (№5) сонли вақф ер ҳужжати ва 1879 йил қайта тикланган (№ 6) рақамли ҳужжатни киритган, чунки бу вақф ерлари асосий ҳужжат билан бевосита боғлиқ.

Чоп этилган барча ҳужжатларни қуйидаги тартибда бўлиб чиқиш мумкин.

1. Кириш қисми ва Оллоҳ ва унинг пайғамбарига ҳамд сўзларидан сўнг, вақф асосчисига урғу бериб, унинг ҳуқуқий моҳияти тушунтирилади.
2. Вақф мулклари ва кўчмас мулк рўйхати, уларнинг чегаралари батафсил кўрсатилган ва бошқа вақф муасасаларига, хусусий шахсларга ёки давлатга тегишли бўлган вақф таркибига кирмайдиган жойлар вақф мулкига айланттирилганлиги тўғрисида маълумот берилган.
3. Вақф мулклари ва кўчмас мулк рўйхати шу жумладан уй-рўзғор буюмлари, мақбаралар ва хонақо жиҳозлари, шунингдек вақф асосчиси томонидан сотиб олинган қул ва қулликдан озод этилган, аммо уларни мақбаралар ва хонақоҳларга ишлаш ва хизмат кўрсатиш учун бириктирилган мулклар тўғрисида маълумот берилган.
4. Вақфни тақсимлаш ва унинг шартлари, вақф ерларини бошқариш учун мансабдор шахсларни тайинлаш уларнинг жисмоний ва иш ҳаққи миқдори тўғрисида батафсил маълумот бериш. Маблағларни тартиб билан сарфлаш, камбағал ва зиёратчиларга хайр-эҳсон қилиш, меҳмондўстлик қоидаларига риоя

қилиш. Бўш ерлардан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш, йиғилган ҳосилнинг 1/3 қисмидан деҳқонларга бериш ва бу ерларга тажовузга қарши чоралар кўриш.

Кириш қисмида Оллоҳга ҳамддан сўнг Сайфиддин Боҳарзийнинг невараси Шайх Яҳёга вақфга мурожаат қилишга сабаб бўлган бир неча асослар келтирилади. Асосий ғоя ердаги ҳаётнинг вақтинча эканлиги ва инсон ўтгандан кейинги ҳаёт абадий бўлиб, ҳар бир киши “бу дунёда хайрли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилиши ва ҳар бир киши ўзини охират ҳаётга тайёрлаши керак”. Хайр-эҳсоннинг энг яхши тури бу доимий ва узлуксиз тарзда вақф эгаси вафотидан кейин ҳам мол - мулкдан даромад олиши ва буларни диний муасасаларга ва зиёратчиларга хайр-эҳсон сифатида тарқатиши киради. Вақф мулкани муомалага киритиш акти бир неча талабларга асосан амалга оширилади. Хусусан, вақф мулки тузилгандан сўнг бу мулк сотилмайди, мерос қолмайди, бошқа бировнинг мулкига айлантирилмай ва ҳеч нарсага сарфланмайди (ҳужжатда берилган харажатлар бундан мустасно). Вақф ерларидан келадиган давромаднинг бир қисмини фойдаланиш мумкин бўлиб, бизнинг ҳужжатимиз Сайфиддин Боҳарзий қабри устидаги мақбара, хонақо ва иккинчи хонақоҳни қуриш учун мўлжалланган ер майдони киради. Маълумотлардан шу нарса аниқланадики, 1326 йил мавжуд бўлган Сайфиддин Боҳарзий мақбараси Бухоро шаҳрининг Қарши дарвозаси ёнида шу ном билан бугунги кунгача сақланиб қолган ёдгорлик билан бир хил эмас. Ҳужжатда Сайфиддин Боҳарзий қабри ва жанубда қўшни хонақоҳ жойлашган бўлиб, хонақоҳнинг кириш қисми ва қабр бирта бўлган. Ҳужжатда хонақоҳнинг кириш қисми қайси тарафдан эканлиги маълум эмас. Маълумки, сақланиб қолган мақбара ҳам иккита хонага эга аммо, биринчидан иккинчи хона катта ва у шарқда жойлашган, жанубда эмас. Иккинчидан хоналарнинг катталиги ва хусусияти жиҳатидан уни хонақоҳ сифатида ишлатиш мумкин эмас.

Бу мулоҳазалар археолог Н.Б.Немцева кузатувлари билан тасдиқланган, Сайфиддин Боҳарзийнинг сақланиб қолган мақбараси унинг ёнида жойлашган Боёнқулихон мақбарасидан олдин XIVасрнинг иккинчи ярмидан аввалроқ қурилганлиги аниқланган. Сайфиддин Боҳарзий мақбарасида Боҳарзий қабридан ташқари унинг икки ўғли-Жалолиддин Муҳаммад ва Мазҳариддин Мутаҳҳар, шунингдек Абу Муфохир Яҳёнинг неваралари Хованд Бурхониддин ва Рухиддин Шайх Довуд қабрлари мавжуд. Сайфиддин Боҳарзий ўғилларининг қабрлари ғарб томонда, набираси ва чеваралари унинг қабрининг шарқида жойлашган. (Қаранг: Китоби Муллозода 42-бет)

Бухоро вилоятининг тарихий топографияси тўғрисида чоп этилган ҳужжатда кенг ва қимматли материаллар мавжуд.

Вақф ҳужжатига киритилган майдонлар.

- 1.Фароқан қишлоғи ҳудудлари:
2. Ушмиюн қишлоғи
3. Ибоди қишлоғи
4. Қишлоқи Бижуги
- 5.Маргзорча қишлоғининг ҳудуди
- 6.Заханжиза қишлоғи



7. Ҳавзи арузон қишлоқ ҳудуди
8. Фатҳобод вақф ерлари
9. Фаришун қишлоғи
10. Розина қишлоғи
11. Қовоқдиза қишлоғи
12. Қасара қишлоғи
13. Кўшки Осиёи Вобкана қишлоғи

Юқорида айтилган ҳудудлардан қўшимча равишда ҳужжатда Сайфиддин Боҳарзийнинг вақф ерлари билан чегарадош бўлган ўнлаб қишлоқ номлари ва каналлар ҳақида маълумот берилган.

XIV асрнинг географик номлари ҳозирга қадар Бухоро ҳудудида сақланиб қолган.

1893-1896 йил хариталарида Н.Ф.Ситняковскийнинг 29-сонли (Зарафшон водийсининг) "Зарафшон водийсининг Бухоро қисмидаги ариқлар аҳоли пунктлари рўйхатида" да бизнинг вақф хатимизда келтирилган кўпгина қишлоқлар ва суғориш каналлари топилган. Бунинг ёрдамида Боҳарзий вақфига кирган деярли барча ерлар ва қишлоқларнинг жойлашишини аниқ аниқлаш мумкин[11.Б.179].

XVI аср ҳужжатларида баъзи бир қишлоқлар ва каналларнинг номлари учрайди. Масалан, Шайх Жўйборий, Фатҳобод, Фаришун (Варишун), Ибоди, Деҳи Осиё, Ҳавзи Арузон, Ширбудун, Туркмондиза, Хома, Фароқан, Маргзорча, Навҳас, Сомжан, Аҳурбадин, Сафидмун ва бошқалар[16.Б.163-168].

Қарши дарвозаси бир ярим километр жануби шарқда Бухорога энг яқин бўлган, ҳужжатда айтилишича, XIII асрда ташкил этилган Фатҳобод деб аталувчи жойда Сайфиддин Боҳарзий истиқомат қилган. Бу жойда у дафн қилинган. Фатҳободдан 3 км жанубда, тахминан темир йўл йўналишидан 1км ғарбда Фароқан қишлоғи мавжуд бўлиб унинг барча ерлари вақф ҳисобига кирган. Фатҳобод ва Фароқан орасидаги жойлашган Маргзорча қишлоғининг ҳудуди ҳам вақф ерларига тегишли бўлган. Фароқан қишлоғининг жануби шарқда Ушмиюн қишлоғи (1896 харитада Ошпемун), жанубдан ва шарқдан Қовоқдиза ва Ибоди, Разин ва Қишлоқи Бижўги қишлоқлари жойлашган. Разин қишлоғининг шарқда Ҳавзи Арузон деган қишлоқ борлиги ва унинг Шохруд каналининг чап қисмида жойлашганлиги Шайх Жўйборнинг ҳужжатларида ва Н.Ф.Ситняковский рўйхатида мавжудлиги тўғрисидаги бу маълумотлар ўзаро мос келади. Жўйборий шайхларининг эълон қилинган ҳужжатларидан кўриниб турибдики, Ҳавзи Арузон қишлоғининг ерлари Фаришун каналдан суғорилган у Фаришун каналига сув олиб борган ва у вақф таркибига киритилган, аммо Н.Ф. Ситняковский хариталари рўйхатига киритилмаган. Қовоқдиза қишлоғи ҳам вақф хариталарида мавжуд эмас, аммо харитада вақф ерлари ва унинг атрофидаги қўшни бўлган чегара ҳудудлар қайд этилганлиги сабабли унинг жойлашуви аниқ белгиланади.

Ўрганилган ҳужжатлар бир қатор тарихий географик масалаларни ойдинлаштиришга ёрдам беради ва илгари фақат номи маълум бўлган аҳоли яшайдиган шаҳарчаларнинг манзиллари аниқланади, масалан: Хома, Фарҳондод, Анбардувон, Кафшувон, Зарманох, Сафидмун, Фағитосин ва бошқалар[4.Б.168].

Хужжатларни ўрганиш жараёнида шу нарса аниқландики, Бухоронинг Қарши дарвозасидан жанубда Сайфиддин Боҳарзий вақфи камида 100 км<sup>2</sup> майдонни эгаллаган. 1326-1333 йилларда Вобкентдарё канали бўйларида Қасри Осиё ва Косари қишлоқлари 20 км масофани эгаллаган бўлиб, Коми-Акка канали ҳам жойлашган эди.

Ўрганилган хужжатлар шундан далолат берадики, 1326 йилда Бухоронинг атрофида кўплаб харобалар, вайрон қилинган қасрлар, масжидлар ва турар жойлар, қаровсиз ташланган боғлар ва узумзорлар мавжуд бўлган. Деярли ҳар бир қишлоқнинг тасвирланиши шуни кўрсатадики, ҳар бир қишлоқ ўртасида баланд тепалик мавжуд бўлиб, бу тепаликлар устида қадимги иморатларнинг қолдиқлари, эски бинолар яъни саройлар, аҳоли турар жой қолдиқлари деҳқонлар ва хунармандлар учун мўлжалланаҳоли пунктларидан иборат. Буларнинг барчаси шубҳасиз, мўғуллар истелоси ва хонлар ва фуқароларнинг ўзаро урушлари натижасида юзага келган вайронагарчиликлар изларидир. Дарҳақиқат, Бухоронинг мўғуллар томонидан вайрон қилиниши охириги марта 1316 йилда амалга оширилган бўлса, бу хужжат шундан ўн йил кейин тайёрланган.

Ушмиюн қишлоғига оид хужжатда айтилишича, баланд тепаликда жойлашган ер участкалари хужжат тузилган вақтда вайрон қилинган эди. "Қадимги даврларда унда турли хил бинолар, жумладан масжидлар, хунармандларнинг устахоналари ва яшаш манзиллари мавжуд бўлган, энди эса барчаси харобага айланган". (1-хужжат, 174-қатор). Ҳар бир қишлоқни тасвирлашда қаровсиз қолган ерлар, бузиб ташланган боғлар, узумзорлар, вайрон қилинган қасрлар, масжидлар, турар жойлар, вайрон қилинган каналлар тўғрисида бир қанча турли туман маълумотлар мавжуд. (394-қатор)

Сайфиддин Боҳарзийга тегишли бўлган кўплаб вақф мулклари мавжуд бўлган. Бу вақфлардан у мадраса, ўқув муассасалари, хонақоҳда илм олувчи ва то хизмат қилувчиларнинг барчаларини озиқ- овқат, кийим- кечак ва бошқа харажатларини қоплаб берган. Бундан ташқари вақф мулклари ерлари ҳисобидан зиёратчилар, камбағал аҳолининг эҳтиёжлари учун ҳам ажратилган. Боҳарзий ўз замонида жамиятнинг ижтимоий , маънавий ҳаётида катта рол ўйнаган киши сифатида халқнинг эҳтиромига сазовор бўлган.

#### **References:**

1. Abdurahmon Jomiy Nafohat al-Uns, tahrir., Toshkent, 1915, 412-bet
2. Ahmad bin Muhammad "Kitobi Mullazoda", tahrirlangan Buxoro, 1904, 41-42-betlar.
3. Voyages Ibn-Batoutah, texte arabe, accompagne d'une traduction, par C. Defremery et le Dr. B. R. Sanguinetti, t. III. Paris, 1855, p. 27-28.
4. V.V. Bartold. Sochineniya, I jild, bet 168.
5. V.V. Bartold. Turkestan, I qism matnlar, 102-bet; Kitobdagi tarjima va sharh:
6. V.V. Bartold. Asarlar, I jild, 541-bet, shuningdek, kitobda: V.V. Bartold Etti daryo tarixi haqida esse, bet 46. S. Nafisa "Donishqadaiy adabiyot" jurnalida, 2-yil tahririyati № 4.
7. Javhariy lug'atidan Jamol Qarshining "As-sura" kitobidan bir qism tarjima asosida: V.V. Bartold. Turkiston., 1 qism, matnlar, 136-bet.

8. Juvayniy. Tarixi jahonkushoy, tahr. Abdulvahhob Qazvini, III, L, 1937, B. 9.
9. I. Afshor. Sarguzashti Sayfiddin Boharziy. Ushbu kitobda Sayfiddin Boharziy haqida to'liq ma'lumotlar keltirilgan.
10. K istorii krestyan Buxari XIV v., seriya obshestvennix nauk, 1959, № 1, str. 71—76.
11. N. F. Sitnyakovskiy. Zarafshon vodiysining Buxoro qismidagi ariq va aholi punktlari ro'yxati, Rossiya geografik jamiyati Turkiston bo'limining xabarnomasi, I jild, №. II, Toshkent, 1900, 179 - 314 betlar.
12. O. D. Chexovich. Noviy istochnik po istorii Buxari nachala XIV v., jurn. "Problemi vostokovedeniya", M., 1959, № 5, str. 148 — 161.
13. Sayfiddin Boharziyning vafoti (659 yil zu-l-qa'da 24kuni. / 1261yil 20 oktyabrya.) XVI v. „Kitobi Mullozoda“ kitobidan tarjima qilingan, litogr. izd., Buxara, 1904, bet. 41. Quyidagi bir qancha adabiyotlar bundan oldingi vaqtni aytadi. (Sm.: I. Afshor. Sarguzashti Sayfiddin Boharzi, B. 5; Koprulu Zade Fu'ad, Saif al-din al-Bakharzi, The Encyclopaedia of Islam, IV, Leyden — London, 1934, B. 74).
14. Xulafiy "Mujmali fosihi", tahrir. V. V. Bartold. Turkestan, qism. I, matni, 160-bet.
15. Hamdulloh Qazviniy tahriri ostida Nuzhat al-qulub,. G. Le Strange, London-Leyden, 1915, p. 153, 177; Haft iqlim, Ahmad ar-Roziy, rkp. O'z Fanlar Akademiyasining IV, № 617, p. 242 b
16. SHayx Jo'yboriy arxividan. XVI asrda O'rta Osiyoning er va savdo aloqalari bo'yicha materiallar. - M. - L., 1938, 154 – 163 betlar va boshqalar; P. Ivanov. Jo'ybor shayxlarining iqtisodiyoti. XVI - XVII asrlarda O'rta Osiyoda feodal erga egalik qilish tarixi haqida M.-L., SSSR Fanlar nashriyoti, 1954, 163 – 168 betlar va boshqalar.
17. 23 qatordagi hujjatning matnida bir sanada xatolik bo'lgan, 934 yil muharram oyining 25 kuni, ushbu hujjatning oxirida 53 qatorda 734 yil muharram oyining 25 kuni aniq ko'rsatilgan. YOzuvda to'qqiz—سعة ٦ va etti - سبعة ٧ raqamlarini bildiruvchi arabcha harflarning birbiriga o'xshashligi tufayli yuz berdi. Ular faqat dialektik nuqtalarda farqlanadilar. Odatda o'rnatilmagan bir necha xil ko'rinishlarni tashkil qiladi. Bitta belgining yo'qligiga asoslanib, B nusxamizni A ro'yxatidan mexanik ravishda olib tashlagan kotib, bu so'zni سعة ٦ (to'qqiz) deb tushundi va nuqta qo'ydi. Imlo xatosi, birinchidan, kun, oy va yilga oid ma'lumotlarning oxirida qo'yiladigan sana bilan tasdiqlanadi. Lekin ko'plab sanalar bundan mustasno; ikkinchidan, uchinchi hujjat 736/1335-36 yillarda vafot etgan shayx Yahyo al-Boharziy nomidan yozilgan.

**МУНДАРИЖА**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**

**01.00.00**

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

- 1 Visual c# da razryadli operatsiyalar.  
Temirov O.M..... 3
- 2 Java dasturlash tilida abstrakt sinflar  
Holmirzayev H.E..... 6
- 3 Ўнг томони номаълум ва коэффициенти узулишга эга бўлган биринчи тартибли  
чизиқли оддий дифференциал тенглама учун масалалар  
Тиллабаева Г.И..... 10
- 4 Matematika darslarida muammoli ta'lim  
Alixanov O.O..... 15
- 5 О некоторых задачах теории одномерной бифуркации  
Тухтасинов М,Кушақов Х.Ш ..... 20

**КИМЁ ФАНЛАРИ**

**02.00.00**

**ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**CHEMICAL SCIENCES**

- 6 Карбоксиметилцеллюлоза: олиниши, айрим физик – кимёвий хоссалари,  
ишлатилиши (обзор)  
Сайпиев Т.С..... 27
- 7 N-vinilpirrolidon asosida suvda eruvchan sopolimerlar sintez qilish va ular  
makromolekulalarining kompozitsion tuzilishini o'rganish  
Toshmatov Y.R., Dexqonov R.S.,Boydedayev. A.A..... 39

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**03.00.00**

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**BIOLOGICAL SCIENCES**

- 8 Far1 Related Sequence (FRS) генлар оилас ининг вакили frs10 гени g.hirsutum  
туридаги функсиясини рнки технологияси ёрдамида ўрганиш.  
Усманов Д.Э, Буриев З.Т, Абдукаримов Ш.С, Собиров Б.М, Мухторов А. Т..... 46
- 9 Кўхитанг тизмаси флораси таркибидаги *ziziphora* l. туркуми турларининг  
биоэкологияси  
Ибрагимов А.Ж,Батошов А.Р,Каримов Б.А,Мирзаев С.И ..... 50

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ**

**05.00.00**

**ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**TECHNICAL SCIENCES**

- 10 Интернет самарали коммуникация канали сифатида  
Бекназаров К.Т..... 54

**ТАРИХ ФАНЛАРИ**

**07.00.00**

**ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**HISTORICAL SCIENCES**

11	XX asrning 60-80-yillarida namangan viloyati xalq ta'limi tizimi: muammolar va yutuqlar Mamasaidov L. P.....	60
	<b>ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
	<b>09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ</b>	
	<b>PHILOSOPHICAL SCIENCES</b>	
12	Tarixiy taraqqiyotda ayollarning o'rnini Mamatov O.V.....	64
13	Миллий байрамларда санъат турларининг ифодаси Шадиметова Г.М.....	67
14	Замонавий санъатларда янги эстетик мезонларнинг вужудга келиши Кадирова Д.С.....	72
15	Мақом куйларининг фалсафий-эстетик моҳияти Нуруллаева З.С.....	78
16	Ахборот медиамаданияти трансформацияси ва глобаллашуви Кодиров Н.М.....	83
17	Ренессанс даври мутафаккирлари оилавий муносабатларда поклик ва гўзаллик ҳақида Хандамова М.....	93
18	Полифункционаллик халқ қабулхоналарининг ўзига хос хусусияти сифатида Айтбоев М.Ю.....	99
19	Оиланинг жамиятдаги роли ва ижтимоий функциялари Абдуллаева Н.....	103
20	Инновация фалсафасининг ижтимоий функционал хусусиятлари Ходжаев С.Б.....	108
21	Боҳарзий ва унинг вақф ерлари Норова М.Ф.....	113
22	Туркистон “Янги усул” мактабларида таълим жараёнининг ташкил этилиши ва ундаги гендер муаммолари Намазова Ю.М.....	121
23	Аҳмад Заки Валидийнинг тарих фалсафаси Хужаев М.И.....	126
	<b>ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
	<b>10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b>	
	<b>PHILOLOGICAL SCIENCES</b>	
24	The Role of stylistics in linguistics and literature Umrzaqov I. I.....	133
	Девону Луғотит Турк” асарида қўлланган шахс номлари гуруҳига оид	
25	лексемаларнинг семантик хусусиятлари Розикова Г.З.....	136
26	О'zbek tiliga o'zlashgan arabcha leksemalar va ularning badiiy asarlarda qo'llanilishi Rahmatullayev.Y.....	142
27	Замонавий таълим тизимида касбий компетентликни модуллаштиришмоҳияти	

Абдиева С.М.....	146
28 Qo'shma gaplarda shakl va mazmun Ahmedova N.Sh.....	151
29 Краткий обзор по историю изучения терминов родства в узбекских и английских языках Каримова В.....	156
30 O'zbek adabiy tili uslublarining shakllanishi Vabaxanova D.A.....	163
31 Йўл мотиви ҳақида Қўчқаров О.....	169
32 Жаҳон тилшунослигида диний функционал услубнинг ўрганилиши Юсупова Ш.Т.....	173
33 Жек лондоннинг исёнчи асаридаги воқеаликни тасвирлаш хусусиятлари Najmiddinov J, Bahodirov A.....	179
34 Johann Wolfgang Gytoring "Yosh Verterning iztiroblari" romanida poetonimlar talqini Vozorova R.Sh.....	182
35 "Алпомиш" библионими ва бош тимсол исми, лақаби хусусида Улуқов Н, Юнусова Б.....	186
36 Наманган қипчоқ шевалари ва этнослараро жараёнлар Дарвишов И.Ў.....	190
37 Grammatik ko'rsatkichlarning o'zlashtirilishida aniqlik darajasi (O'zbek tilini o'rganayotgan koreyslar misolida) Saidaxmedova O.I.....	197
38 Перевод понятий означающие национальных конвенций, традиций и обряд Самандаров . Ш.С.....	202
39 Принцип вежливости в речевом общении. Саидова М.Ш, Холматова Г.И.....	205
40 Адабиёт ва прагматика Раҳимов У.Э, Махаммаджлонов Н.Д.....	209
41 Хикматли сўзлар таржимасида қофияни сақлаш Абдуллажанов А, Мамадалиев Э.....	214

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ**  
**11.00.00 ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**GEOGRAPHICAL SCIENCES**

42 Фарғона водийси дарёлари оқимининг иқлим илишига реакцияси Солиев И.Р., Ғулумжонов Д.....	219
---	-----

**13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**  
**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PEDAGOGICAL SCIENCES**

43 Готовность будищих педогогов как основной фактор успешности инклюзивного образования Сатторов М, А.....	225
---	-----

44	Педагогик стратегия - олий таълим муассасаси битирувчисининг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг концептуал асоси Эргашев Б.Б.....	229
45	Таълимда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш афзалликлари Ниязова Н.А.....	234
46	Олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида фанларичра ва фанлараро интеграциясини таъминлашнинг педагогик-психологик масалалари Жуманов А.А.....	237
47	Мактабгача таълим ташкилотларини инновацион ривожлантириш муаммолари Абдуназарова Н.Ф, Хамдамова М.Т, Парманов Ж.А.....	242
48	Физика ўқитувчиларининг таълимга инновацион ёндашуви Бекназаров З.Ф.....	245
49	Тухника йўналишиндаги мутахассис компетентлигининг модели Даминов О.О.....	250
50	Олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологияларини қўллашнинг ўзига хослиги ва хусусиятлари Исмаилова З.К, Химматалиев Д.О.....	257
51	To actual directions of development of export of fruit and vegetable products in Uzbekistan Avulchaeva F.....	261
52	The significance of cultural awareness in second language learners' classroom Umirzakova D.A.....	264
53	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini kommunikativ kompetensiyasini shakllantirish yo'llari Jo'rayeva T.U, Shamirova Y.K .....	268
54	Role of peer observation in foreign language teaching Jalolov Sherali, Botirova Z.X.....	274
55	Ingliz tilni o'rgatishda mnemonik usullardan foydalanish Yunusova Y.B.....	278
56	Талаба ёшлар соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига қадрият сифатида қарашни тарбиялаш муаммолари Назаров А.Т.....	281
57	“Олий таълим муассасалари ўқув–жисмоний машғулотлар жараёнини ташкиллаштиришда blended learning концепциясидан фойдаланиш орқали таълим сифатини ошириш” Махкамов А.Ю.....	284
58	Ўқувчиларнинг геометриядан ўқув фаолиятини фузионизм ғояси асосида такомиллаштириш йўллари Ғойибназарова Г.Н, Джураева Ш.К.....	288
59	Мактабгача таълим муассасаларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Ибрагимова Г.Н.....	293
60	8-синф физика курсининг “электр заряд. электр майдон” бобини ўқитиш Зоҳидов И.О, Каримова Р.К, Умаров А.О.....	298

61	Таркибида сирт фаол модда тутган учкарбамид хлорат натрий дефолиантини олиш жараёнини ўрганиш Умиров Ф.Э, Худойбердиев Ф.И, Номозова Г.Р, Закиров Б.С.....	303
62	Ижтимоий-эмоционал кўникмалар шаклланишининг педагогик-психологик омиллари Раҳимова М.А.....	311
63	Ҳамкорлик педагогикасининг узлуксиз таълим тизимидаги инсонпарварлашув хусусиятлари Ўринова Ф.Ў, Усмонова Ш.Ё.....	317
64	Чақириққача ҳарбий таълим бўйича мутахассисларни шакллантиришнинг долзарб масалалари Хасанов А.Т, Юсупов Т.Т.....	323
65	Мобиллик-олий педагогик таълимни модернизация қилиш сифатида Эшназарова М.Ю.....	327
66	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларида касбий муҳим сифатларни шакллантириш педагогик жиҳатлари Қодиров М.М.....	332
67	Бошланғич таълимда прагматик ёндашув асосида матн ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари Йўлдашева Д, Буважонова М.....	338
68	Бошланғич таълимда интеграциялашган ўқитишнинг аҳамияти Рустамова Д.....	341
69	Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни нутқ маданиятини шакллантиришда китоб ва унинг аҳамияти Ўринова Ф, Сидикова З.....	344
70	Технология использование метода кейс-стади при изучении компьютерной графики. Отабаева Ф.Т.....	348
71	Pedagogik tajribalarni to'plash va ommalashtirish tizimi Mo'minova G, Insarova G,.....	355
72	Талабаларнинг мустақил таълим фаолиятини ривожлантириш- ўқув жараёнининг асоси Мўминов З.О.....	359
73	Innovatsiya ta'limning muhim elementidir. Madaminov F.Sh.....	367
74	Intellectual kompyuter o'yinlari yordamida individual matematik ta'limni yo'lga qo'yish Najmiddinova . N.Y.....	373
75	Футболчиларни эмоционал ҳолатларини аниқлашнинг методик хусусиятлари Сатиев Ш.К .....	378
76	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш. Қамбаров М.М .....	384



77	Содержание и структура учебников по методике обучения языкам Габдулхаков Фарид Ахунович.....	391
	<b>ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b> <b>ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>PSYCHOLOGICAL SCIENCES</b>	
	<b>19.00.00</b>	
78	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	395
	<b>СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b> <b>СОЦИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ</b> <b>SOCIOLOGICAL SCIENCES</b>	
	<b>22.00.00</b>	
79	Маънавий тарбия ва тарихий онг Махкамов Қ.О.....	398